

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев А., Сафаров F. Солиқ назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2005. 48-бет.
2. Кенэ Избранные экономические произведения. – М.: Соцэкз, 1960.
3. Дж.М.Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег. – М., 1993.
4. Налоговая политика // Экономика. Словарь по обществознанию. – М.: КДУ, 1995. Ю.Ю.Петрунин, М.И.Панов, Л.Б.Логунова.
5. Дементьевна Н.М. Налоговая политика государства
6. Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. Учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям. Под ред. И.А.Майбурова. – М.: Юнити-дана, 2007. – 655 с.
7. Барулин С.В., Макрушин А.В., Тимошенко В.А. Налоговая политика России. – Саратов: Сателлит, 2004. С. 24-25.
8. Карп М.В. Налоговый менеджмент. Учебник для вузов. – М.: Юнити-дана, 2001. – 39 с.
9. Carlos Silvani and Katherine Baer. Designing a Tax Administration Reform Strategy: Experiences and Guidelines, IMF – 1997. – 36 pages.
10. Нормурзаев У. (2023). Солиқ имтиёзлари берииш тартибини тақомиллаштириш масалалари. // Iqtisodiyot va ta'lim, 24(1), 334-339. [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a51](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a51)
11. Нормурзаев У. (2023). Яширин иқтисодиётни камайтиришида солиқ органларининг аҳамияти. // Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 1(2), 215-221. Retrieved from: <https://e-it.uz/index.php/eitt/article/view/66>



### АХОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Обилов Миркомил Рашидович -  
Гулистан давлат университети  
докторанти (DSc)

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a26](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a26)

**Аннотация.** Бугунги қунда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш глобал аҳамият қасб этиувчи масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолашнинг турли методологик ёндашувлари бўйича қатор ҳалқаро молиявий ташкилотлар иқтисодчи экспертлари томонидан турли ўйналишлардаги тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолаш орқали уй хўжаликлари, оила ва индивиднинг (шахснинг ўзи) ўз ихтиёридаги молиявий ресурсларини бошқара олиши ва уларни тўғри ўйналтиришдаги самарали қарорларини баҳолашга қаратиласди. Шу билан бир қаторда, аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасининг аҳоли турмуш даражасига таъсири ҳам баҳоланади. Бунда монетар кўрсаткичлар орқали уй хўжаликлари, оила ёки шахснинг монетар тавсифи шакллантирилади.

**Калим сўзлар:** молиявий саводхонлик, молиявий саводхонлик мезонлари ва уларни баҳолаш индикаторлари, давлат дастурлари, кредит, турлари, молиявий таълим, режалаштириш, молиявий билим.

### МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ГРАМОТНОСТИ

Обилов Миркомил Рашидович -  
Докторант Гулистанского государственного университета (DSc)

**Аннотация.** Сегодня повышение уровня финансовой грамотности населения является одной из задач мирового значения. Эксперты-экономисты ряда международных финансовых организаций проводят исследования по разным направлениям различных методологических подходов к оценке уровня финансовой грамотности населения. Эти исследования сосредоточены на оценке способности домохозяйств, семей и отдельных лиц управлять своими финансовыми ресурсами и их эффективными решениями путем оценки уровня финансовой грамотности населения. Кроме того, также оценивается влияние уровня финансовой грамотности населения на уровень жизни населения. В этом случае денежные характеристики домохозяйств, семей или отдельных лиц формируются через денежные показатели.

**Ключевые слова:** финансовая грамотность, критерии финансовой грамотности и показатели их оценки, государственные программы, кредит, виды кредита, финансовое образование, планирование, финансовые знания.

### MECHANISMS FOR IMPROVING FINANCIAL LITERACY

Obilov Mirkomil Rashidovich -  
Doctoral student, Gulistan State University (DSc)

**Abstract.** Today, increasing the level of financial literacy of the population is one of the issues of global importance. Economic experts of a number of international financial organizations are conducting research in various directions on various methodological approaches to assessing the level of financial literacy of the population. These studies focus on evaluating the ability of households, families and individuals to manage their financial resources and their effective decisions by assessing the level of financial literacy of the population. In addition, the impact of the level of financial literacy of the population on the standard of living of the population is also evaluated. In this case, the monetary characteristics of households, families or individuals are formed through monetary indicators.

**Key words:** financial literacy, financial literacy criteria and their evaluation indicators, state programs, credit, types of credit, financial education, planning, financial knowledge,

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 23 июлида қабул қилинган “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4400-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш соҳасидаги илғор ҳалқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда аҳоли молиявий хизматлар оммабоплигини кенгайтиришни ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлик даражасини оширишни, молиявий хизматлар кўрсатишида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишини назарда тутувчи “Молиявий оммабопликни оширишнинг миллий стратегияси”ни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган [1].

Шунингдек, 2020 йилнинг 27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган “Тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар” бўйича видеоселектор йиғилишида: “Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларни ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак”, – деб таъкидлади.

### Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш механизмларининг назарий ва амалий жиҳатлари узоқ ва яқин хорижлик A.K.Sen, C.C.Артемьев, В.В.Митрохин, Е.Н.Алифанова, А.Чаплинска каби иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида таҳлил этилган [2, 3, 4].

Лондонлик Др. Нирмала Леे таъкидлашича, молиявий саводхонлик аҳборот ёки имкониятлардан кўра кўпроқ бўлган маънони англатади. Молиявий саводхонлик бўйича таълим тадбирлари кўп қиррали бўлиши ва фақатгина расмий таълим тизимида ўқийдиган болалар ҳамда катталар таълими доирасида белгиланиши керак [5].

Америкалик ёзувчи ва бизнесмен Роберт Кийосаки: “Молиявий саводхонлик иқтисодий-молиявий билимларнинг самараси бўлиб, дастлаб пул топиш, жамғариш, онгли равишда жамғармани юқори самарадорликка эга инвестицияга йўналтириши, даромадини ошириши ва ўз ҳаётининг яхшилаши билан боғлиқ”, – деб изоҳлайди [6].

Питер Фердинанд Друкер – австриялик-америкалик олим 20-асрнинг энг нуфузли бошқарув назариётчиларидан бири ўз асарида молиявий саводхонликка шундай таъриф беради: «Шахснинг иқтисодий-молиявий саводхонлиги

даражаси унинг бозордаги товар ва хизматлар билан пулга нисбатан муносабатини белгилайди [7].

Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодчи олимлари А.В.Вахабов, Ш.А.Ташматов, Н.Х.Хайдаров томонидан ёзилган “Молиявий саводхонлик асослари” ўкув қўлланмасида “молиявий саводхонлик” тушунчасининг мазмун ва моҳияти, молиявий саводхонликни оширишнинг жаҳон тажрибаси, хонадон хўжалиги даромадларининг шаклланиш манбалари, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва оиласи тадбиркорликни ривожлантириш, оила бюджетини тузиш ва фавқулодда ҳолатлар учун захираларни режалаштириш ҳамда банк-молия йўналишларининг муҳим жиҳатлари ёритилган [8].

Иқтисодиёт фанлари доктори, доцент Э.Ш.Шадманов фикрига кўра, “Молиявий фикрлаш маблағларни инвестициялаш бўйича қарорларни баҳолаш малакаси ва хатти-ҳаракатларидир” [9].

“Аҳолининг молиявий саводхонлиги: мазмуни, аҳамияти ва асосий жиҳатлари” мавзусидаги мақоламиизда бир қатор иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил этиб, аҳоли молиявий саводхонлигининг иқтисодий мазмуни очиб берилган, унинг бугунги кундаги мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги тутган ўрни ва аҳамияти асосланган [10].

Бундан ташқари яна жаҳон банки томонидан нашр этилган молиявий саводхонлик улуши баланд тренд давлатлар ҳақида хорижий мамлакатлар олимларидан Susan L. Rutledge. “Consumer Protection and Financial Literacy” журналида даромади ўрта даражада бўлган еттига мамлакат – Азарбайжон, Болгария, Хорватия, Чехия, Латвия, Литва, Руминия, Россия Федерацияси ва Словакия мамлакатлари аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қатор илғор методлар асосида амалга оширилган тадқиқотлар қиёсий таҳлили амалга оширилган [11].


**Тадқиқот методологияси.** Ушбу илмий мақолада турли давлатлар ҳамда ҳалқаро молия ташкилотларининг аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини баҳолашдаги ёндашувлари асосида молиявий саводхонлик механизмларини жорий қилишдаги статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатларини таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез усулларидан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатларда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишидан олдин, молиявий саводхонлик даражасини баҳолашнинг турли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) эксперлари томонидан амалга оширилган тадқиқотларда “молиявий таълим”

иқтисодий категориясига алоҳида эътибор қаратилади (1-расм).

### Юқори даражадаги молиявий билимларга эга бўлган аҳоли улуши



1-расм. ИҲТТ томонидан ўтказилган тадқиқотда мамлакатлар аҳолисининг молиявий заводхонлиги кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили [3]

Халқаро даражада мамлакатлардаги аҳолининг молиявий заводхонлиги даражасини баҳолаш ва унинг мониторингини амалга оширишга қаратилган тадқиқотларда ИҲТТ билан бир қаторда Жаҳон банки гурухи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон банки гурухи методологиясига мувофиқ молиявий заводхонлик даражасини баҳолашда икки хил ёндашув мавжуд: “Молиявий заводхонлик” ва “Молиявий компетентлилик”[12]. Аҳолининг молиявий билимларини баҳолаш жараёнида респондентларга бериладиган саволларда, асосан, молиявий бозор ва унинг сегментлари, молиявий товар ва хизматларнинг хусусиятлари, молия бозори функциялари ва вазифалари, унинг амал қилиш механизмини англаши, иқтисодий хулқ билан боғлиқ ҳолатлар ва респондент томонидан қабул қилинган қарорларнинг унинг учун юқори даражадаги даромадлилигини баҳолай олиши ва тушуниши, кредит, солиқ, мураккаб фоизларни ҳисоблаш ва молиявий товар ва хизматлардан фойдаланиш жараёнида тузилган шартномаларнинг моҳияти, уларда кўрсатилган мажбуриятларни тўғри англаши билан боғлиқ бўлади [13, 14]. Масалан, кўпчилигимиз бир ойда бир марта бўлса ҳам оммавий ахборот воситалари орқали қайсиdir фуқаронинг банқдан кредит қандай олиш кераклигини билмай юрганини ёки олганлари ичida, бизнесини йўлга қўя олмай, аксинча, касод бўлганлиги ҳақида хабарларни ўқиб қоламиз. Аслини олганда, фуқароларимизнинг мана шундай фирибгарлар “тузоғига” тушиб қолишига, касод бўлишига биз айтаётган молиявий заводхонлик даражасининг етарли эмаслиги сабаб бўлган. Бунга ечим сифатида аҳолининг молиявий заводхонлигини ошириш учун кредит сўндириш усуслари ҳақи-

да батафсил маълумот берамиз ва ижобий ҳамда салбий томонларини изоҳлаймиз [15].

**Кредитни сўндириш усувлари.** Сиз банкдан кредит олсангиз, албатта, у бўйича ойлик тўловларни амалга оширишингиз зарур бўлади [16, 17]. Кредит бўйича ойлик тўловлар икки усулда амалга оширилиши мумкин: ҳар ой бир хил суммада ёки суммасидан келиб чиқиб бўлинган миқдорларда тўловларни амалга ошириш. Булар аннуитет ёки дифференциал тўлов усувлари деб аталади. Ҳар бирини алоҳида батафсил кўриб чиқамиз.

**Аннуитет тўлов усули нима?** Кредитни сўндиришнинг аннуитет усули кредитни сўндиришнинг шундай усулини, унда сиз банкка кредит бўйича тўловлар графигига асосан ҳар ой бир хил миқдордаги суммани ўтказиб боришингиз лозим бўлади. Сиз узоқ муддатга кредит олсангиз, биринчи ойларда тўловларнинг катта қисмини фоиз тўловлари ташкил этади. Асосий қарз аста-секинлик билан қисқарип боради[18, 19].

*Finlit.uz* кредит калкулятори ёрдамида мисол кўриб чиқамиз (1-жадвал).

Дейлиқ, сиз 10 000 000 сўм миқдорида 6 ой муддатга йиллик 23 % асосида кредит олмоқчизис.

Кредит бўйича ойлик тўлов суммаси 1 780 240,71 сўмни ташкил этади.

Ҳар ойда кредитни сўндириш суммаси ва фоиз тўловларининг нисбати ўзгариб боради. Биринчи ойда сиз 191 666,67 сўм миқдорида асосий қарзни тўлайсиз. Сўнгги ойда эса асосий қарз бўйича тўлов 1 746 761,13 сўмни ташкил қиласи, фоиз тўловлари эса бор-йўғи 33 479,59 сўм бўлади.

## Кредитни сўндиришнинг аннуитет усули [1]

№	Тўлов	Асосий	Қизиқиши	Баланс қарздор
1.	1780240.71	1588574.05	191666.67	8411425.95
2.	1780240.71	1619021.72	161219	6792404.24
3.	1780240.71	1650052.97	130187.75	5142351.27
4.	1780240.71	1681678.98	98561.73	3460672.29
5.	1780240.71	1713911.16	66329.55	1746761.13
6.	1780240.71	1746761.13	33479.59	0
	<b>10681444.29</b>	<b>10000000</b>	<b>681444.29</b>	

Манба: <https://finlit.uz/uz/services/calculators/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Сиз банкка тўлайдиган умумий кредит миқдори 10 681 444,29 сўм бўлади.

Агар кредит муддати узоқроқ бўлса, кредитни сўндириш давомида асосий қарз суммаси ва фоиз тўловларининг нисбати ўзгаради.

Худди шу мисолни шартларини бироз ўзгартирган ҳолда кўриб чиқамиз:

Дейлик, сиз 10 000 000 сўм миқдорида кредит олмоқчисиз. Аммо, 6 ойга эмас, энди 2 йилга (24 ойга), 23 % асосида. Ушбу шартларда:

Ойлик тўловлар миқдори 523 733,06 сўмни ташкил этади.

Биринчи ойда сиз 332 066,39 сўм миқдорида асосий қарз бўйича тўловларни ва 191 666,67 сўм миқдорида фоиз тўловларини амалга оширасиз, биринчи ойда умумий тўлов миқдорининг деярли ярмини фоиз тўловлари ташкил қиласи, сўнгги ойда эса фоиз бўйича тўлов борйуғи 9 849,44 сўмга teng бўлади.

Сиз банкка тўлайдиган умумий кредит миқдори 12 569 593,45 сўм бўлади.

**Кредитни сўндиришнинг дифференциал усули бу нима?** Кредитни сўндиришнинг дифференциал усули кредитни сўндиришнинг шундай усулини, унга кўра ҳар ой асосий қарз бўйича бир хил сумма тўлаб борилади, фоиз тўловлари эса кредит қолдиғи камайиб бориши билан бирга аста-секин камайиб боради.

Биринчи ойларда тўловлар миқдори энг юқори бўлади ва ҳар ой камайиб боради. Сўнгги ойда тўлов миқдори биринчи ойга нисбатан анча кам бўлади.

Финлит.уз кредит калкулятори ёрдамида худди юқорида келтирилган шартлар билан мисол кўриб чиқамиз (2-жадвал).

10 000 000 сўм миқдорида 6 ойга 23 % асосида кредит. Кредитни сўндиришнинг дифференциал усулида ойлик тўловлар миқдори куйидагича бўлади:

## 2-жадвал

## Кредитни сўндиришнинг дифференциал усули [2]

№	Тўлов	Асосий	Қизиқиши	Баланс қарздор
1.	1858333.33	1666666.67	191666.67	8333333.33
2.	1826388.89	1666666.67	159722.22	6666666.67
3.	1794444.44	1666666.67	127777.78	5000000
4.	1762500	1666666.67	95833.33	3333333.33
5.	1730555.56	1666666.67	63888.89	1666666.67
6.	1698611.11	1666666.67	31944.44	0
	<b>10670833.33</b>	<b>10000000</b>	<b>670833.33</b>	

Манба: <https://finlit.uz/uz/services/calculators/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ҳар ойлик тўлов суммалари бир-биридан фарқланади. Шундай қилиб, биринчи ойда тўлов 1858333.33 сўмни ташкил этади, ундан 191666.67 сўм фоиз тўловлари. Сўнгги (6) ой учун тўлов миқдори 1698611.11 сўмга teng бўлади, ундан фақатгина 31944.44 сўм фоиз тўловлари.

Сиз банкка тўлашингиз зарур бўлган умумий сумма **10670833.33** сўмга teng.

Муддат узайтирилган тақдирда, масалан, 24 ойга, биринчи тўлов ҳажми 605 707,76 сўмни ташкил этади, шундан 189 041,10 сўм фоиз тўловлари. Сўнгги ойда (24) тўлов ҳажми 424 805,94 сўмга teng бўлади, ундан 8 139,27 сўм фоиз тўловларига teng.

Кредит муддати икки йил бўлганда, банка тўланиши зарур бўлган сумма 12 398 721,46 сўмни ташкил этади.

### **Икки тўлов усулининг фарқи нимада?**

10 000 000 сўмлик кредит бўйича тўловларни икки хил усулда амалга оширишни солиштириш натижасида хулоса қилишимиз мумкинки, дифференциал тўлов усули аннуитетга нисбатан 6 ой ва 2 йил муддат учун мос равища 9 297,82 сўмга ва 170 871,99 сўмга фойдалироқ эканини кўришимиз мумкин.

Демак, кредитни аннуитет ва дифференциал усулда сўндиришни таққослайдиган бўлсак, шартлар бир хил бўлганида, биринчи ҳолатда тўловлар миқдори бирмунча кўп бўлади.

**Ушбу тўлов усулларининг афзаликлари (+) ва камчиликлари (-):**

**Кредитни сўндиришнинг аннуитет усули:**

- + сиз ҳар ой қанча миқдорда тўлов амалга оширишингизни аниқ биласиз. Кредит мажбурияти бўйича ўз харажатларингизни билган ҳолда, бюджетингизни янада аниқ режалаштира олишингиз мумкин.

- биринчи тўловлар таркибида фоиз тўловлари катта қисмни ташкил этади.

**Кредитни сўндиришнинг дифференциал усули:**

- + муддатнинг сўнгги ойларида кредит бўйича тўлов миқдори камайиб боради, чунки асосий қарз ва фоиз тўловлари мос равища камайиб боради.

- кредит бўйича тўловларнинг бошида катта молиявий босим.

Бу билан:

- фоиз ставкаси ва уни ҳисоблаш бўйича саволлар бланки;
- инфляцияга оид саволлар бланкига жавоб топишимиз мумкин.

Бу эса ўз навбатида, нисбатан мукаммал бўлмаган ва хатолик юқори бўлган натижага эришишга олиб келади. Амалиётда ҳар доим ҳам аҳолининг ойлик даромадлари уларнинг бир ой давомидаги харажатларини тўлиқ қоплай олмайди. Айрим ҳолатларда аҳоли қарз олиш (банк кредитлари, ломбард, яқинлардан қарз олиш ва ҳоказо) ёки ўз жамғармаларини ишлатиш каби ҳолатлар учраб туради, шу сабабли аҳоли кредит олишда қанча олиши ва қайтаришда, молиялаштириш даврида турли қийинчиликларга дуч келмаслиги бўйича юқорида батафсил маълумот берилди;

олиш ва ҳоказо) ёки ўз жамғармаларини ишлатиш каби ҳолатлар учраб туради. Бундай вазиятда кейинги ойлардаги турмуш даражаси кўрсаткичи нисбатан пасаяди. Чунки қарздорликни ёпиш зарурати ёки жамғарма маблағининг сарфланиши натижасида аҳоли ўз даромадларининг маълум бир қисмидан тўлиқ фойдалана олмаслиги ҳолати сабабли уларнинг истеъмолидаги маълум бир чекловларнинг вужудга келишига олиб келади [20,21].

### **Хулоса ва таклифлар.**

Мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини оширишда халқаро молиявий ташкилотлар томонидан аҳолининг молиявий саводхонлиги даражасини баҳолаш амалиётини инобатга олган ҳолатда давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бунда қўйида гиларга эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- амалиётда ҳар доим ҳам аҳолининг ойлик даромадлари уларнинг бир ой давомидаги харажатларини тўлиқ қоплай олмайди. Айрим ҳолатларда аҳоли қарз олиш (банк кредитлари, ломбард, яқинлардан қарз олиш ва ҳоказо) ёки ўз жамғармаларини ишлатиш каби ҳолатлар учраб туради, шу сабабли аҳоли кредит олишда қанча олиши ва қайтаришда, молиялаштириш даврида турли қийинчиликларга дуч келмаслиги бўйича юқорида батафсил маълумот берилди;

- уй хўжаликлари, оиласлар ва шахсларга ўз бюджетларини шакллантириш, режалаштиришга оид билим ва қўнимкаларни мунтазам бериб боришнинг универсал усулларини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиш;

- аҳолининг турли ижтимоий гурӯхлари учун мўлжалланган молиявий саводхонлик ва унинг таркибий компонентларини такомиллаштириш бўйича турли информацион ва таълим дастурлари ишлаб чиқилиши ва уларни мунтазам тегишли аҳоли қатламлари учун етказиб бориш ва шу кабилар.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микромолиявий хизматлар оммаболигини ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги"ги ПҚ-4400-сонли қарори, 23.07.2019 й.
2. Sen A.K, *Poverty and Famines: An Essay on Entitlement and Deprivation*. <https://www.livelib.ru/book/1006054312-poverty-and-famines-an-essay-on-entitlement-and-deprivation-amartya-sen>
3. Артемьевна С.С., Митрохин В.В. Оценка финансовой грамотности российской и зарубежной молодежи и рекомендации по ее повышению. // ИНТЕГРАЦИЯ ОБРАЗОВАНИЯ. Т. 22. № 1. 2018. С. 46.
4. Чаплинская А. "Оценка финансовых знаний молодежи в Латвии". Банкаўскі веснік, ЛІСТАПАД 2019. С. 47.
5. Lee N. // Financial literacy and financial literacy education: What might be the components of an effective financial literacy curriculum? // Institute of Education University of London. 2010. P. 3.
6. Кийосаки Р.Т. Богатый папа, бедный папа. / Р.Т.Кийосаки. – «Попурри», 2011. С. 33.
7. Drucker P.F. Post – Capitalist Society. – Oxford Butterworth: Heinemann, 1993. P. 271.
8. Vaxabov A.V., Tashmatov Sh.A., Xaydarov N.X., Vaxabov A.V. Moliyaviy savodxonlik asoslari. O'quv qo'llanma. –T.: Baktria Press, 2013. – 288 b.
9. Шадманов Э., Хасанханова Н. Теоретические основы экономического мышления. Монография. – М.: «LAP LAMBERT Academic Publishing RU», 2020. С. 64.
10. Обилов Миркомил Рашидович. Аҳолининг молиявий саводхонлиги: мазмуни, аҳамияти ва асосий жиҳатлари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали.

11. Susan L. Rutledge. *Consumer Protection and Financial Literacy. Lessons from Nine County Studies: The World Bank, Europe and Central Asia Region, Finance and Private Sector Department* (June 2010). URL:<http://www.wds.worldbank.org>.
12. Atkinson A. and F. Messy. *Measuring Financial Literacy: Results of the OECD*. // International Network on Financial Education (INFE) Pilot Study, OECD Working Papers on Finance, Insurance and Private Pensions. 2012. № 15. OECD Publishing. URL: <http://dx.doi.org/10.1787/5k9csfs90fr4-en>
13. Дусмухамедов Ойбек Суръатбековиҷ. Аҳолининг молиявий саводхонлигини баҳолашнинг назарий асослари. // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy-elektron jurnali. 5-son, sentabr-oktabr, 2020-yil.
14. Алифанова Е.Н., Евлахова Ю.С. Анализ методических подходов к разработке индикаторов финансовой грамотности населения. // Финансы и кредит. 12 (540). 2013. С. 23.
15. Turayeva G., Berdiyev G., Eshpulatov D., Alimova D., Odilbekov A., Davletova D., ... & Burxanov A. (2022, December). OPPORTUNITIES TO USE FINANCIAL SERVICES – “1 C PROGRAM”. In Proceedings of the 6th International Conference on Future Networks & Distributed Systems (pp. 556-561).
16. Khahharovna T.G. & Jumaboevich M.T. (2022). Fintech Development in the Republic of Uzbekistan. // Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar on-layn ilmiy jurnali, 2(1), 71-83.
17. Тураев Г. (2023). Don ishlab chiqarish barqarorligini ta'minlashning iste'mol savatidagi ahamiyati. // Экономика и образование, 24(2), 440-444.
18. Molaviy savodxonlik. Finlit/uz. <https://finlit.uz/uz/articles/credit/loan-payments-date/>
19. Atkinson A.B. (1983). *The economics of inequality*. Oxford: Clarendon Press.
20. Qaxxorovna T.G. (2023). The Impact of Artificial Intelligence on the Economy. Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal, 2(2), 57-61.
21. Gulizaxro T., Mavlyuda I., Shaxnoza A. & Hilola S. (2023, April). Buxgalteriya hisobi fanining rivojlanishida raqamlashtirishni takomillashtirish. In "Conference on Universal Science Research 2023" (Vol. 1, No. 4, pp. 102-104).

### МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ НАТИЖАВИЙЛИГИ ТАҲЛИЛИ



doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a27](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a27)

**Саттаров Илҳом Ачилович -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
хузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришининг илмий асослари ва  
муаммолари" илмий-тадқиқот маркази

**Аннотация.** Мақолада молиявий назоратнинг натижавийлиги таҳлили бўйича тадқиқот олиб борилган. "Натижага ўйналтирилган бюджетлаштириши" тизимининг иқтисодий моҳиятига тўхталиб, иқтисодчи олимларнинг фикрлари ўрганилиб, тадқиқот сўнггида якуний хуласа шакллантирилган.

**Ключевые слова:** бюджет, маблағ, харажат, даромад, натижавийлик, молиялаштириши.

### АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ

**Саттаров Ильхом Ачилович -**  
Исследовательский центр «Научные основы и проблемы  
развития экономики Узбекистана» при  
Ташкентском государственном экономическом университете

**Аннотация.** В статье проведено исследование по анализу эффективности финансового контроля. Акцентируя внимание на экономической сущности системы «Бюджетирование, ориентированное на результат», были изучены мнения экономистов, и в конце исследования был сформирован окончательный вывод.

**Ключевые слова:** бюджет, финансирование, стоимость, доход, исполнение, финансирование.

### ANALYSIS OF THE EFFECTIVENESS OF FINANCIAL CONTROL

**Sattarov Ilkhom Achilovich -**  
"Scientific bases and problems of the development  
of the economy of Uzbekistan" research center under  
the Tashkent State University of Economics

**Abstract.** In the article, a study was conducted on the analysis of the effectiveness of financial control. Focusing on the economic essence of the "result-oriented budgeting" system, the opinions of economists were studied, and a final conclusion was formed at the end of the research.

**Key words:** budget, funding, cost, income, performance, financing.

**Кириш.** Жаҳонда иқтисодий вазиятнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар қандай янги салбий омилнинг пайдо бўлиши, маса-

лан, инфляциянинг кутилганидан юқори тезлашиши, уни ушлаб туриш учун фоиз ставкаларининг кескин ошиши, геосиёсий кескинликнинг